



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 2 » sentabr

№ 437

Toshkent sh.

“Ибратли оила” кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилаларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон Фармони билан фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш мақсадида оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилаларга бериладиган **“Ибратли оила” кўкрак нишони таъсис этилганлиги** ҳамда уни **15 май – Халқаро оилалар кунида топшириш** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Ибратли оила” кўкрак нишони тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

“Ибратли оила” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари тегишлича **2 ва 3-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг буюртмасига асосан “Ибратли оила” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тайёрланишини белгиланган тартибда таъминласин.

4. “Ибратли оила” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Б. Маҳкамова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 2 ” сентябрдаги 437 -сон қарорига
1-илова

“Ибратли оила” кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Ибратли оила” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий кадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган намунали оилалар тақдирланади.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган ибратли оилаларнинг вакиллари – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари билан биргаликда ҳар йили 1 мартга қадар кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни шакллантиради ва фуқаролар йиғинлари кенгашлари қарорлари асосида туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимларига тақдим этади.

Номзод оила бўйича тақдим этилган таклифларга илова сифатида мазкур оила ҳақида маълумотнома, сўнгги уч йил давомида оила аъзолари томонидан оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий кадриятларни сақлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширган ишлари акс эттирилган тавсифнома тақдим этилади.

5. Туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари кўкрак нишонига тавсия қилинаётган номзод оилаларни ушбу Низомга 2-иловада келтирилган намунавий таркибда тузиладиган “Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни саралаш туман (шаҳар) комиссияси томонидан ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, уларнинг фаолиятига оид барча маълумотларни тегишли йиғилиш қарорлари асосида ҳар йили 15 мартга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларига тақдим этади.

6. Номзод оилаларни кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлар ушбу Низомга 3-иловада келтирилган таркибда тузиладиган “Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни саралаш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияси томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, тегишли қарор қабул қилинади. Мазкур таклиф ва қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари томонидан **ҳар йили 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитасига** (кейинги ўринларда – Қўмита) тақдим этилади.

7. Қўмита раисининг буйруғи билан кўкрак нишонига тавсия этилган номзодларни кўриб чиқиш бўйича доимий комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) тасдиқланади.

Комиссия таркибига фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик вакиллари, шунингдек, давлат ва жамоат арбоблари киритилади.

8. Комиссия йиғилишида номзодларнинг тегишли ҳужжатлари ўрганилиб, ушбу Низомнинг 4-иловасида белгиланган мезонларга мувофиқ баҳоланади ва **ҳар йили 15 апрелга қадар** энг муносиб номзод оилалар бўйича якуний хулоса қабул қилинади.

9. Номзод оилалар танланаётганда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

оилада ва жамоат жойларида кутубхоналар ташкил этган, оила аъзолари илмли, зиёли бўлган, шунингдек, илмий даражага эга бўлган, рисола, китоб, қўлланма ва асарлар яратган ҳамда илм-фан, таълим, адабиёт ривожига ҳисса қўшиб келаётган, фарзандлари турли нуфузли танловлар, мусобақалар, фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришаётган, аҳоли, айниқса хотин-қизларга ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, психологик, тиббий маслаҳатлар беришда фаол иштирок этаётган, китобхонлик маданиятини юксалтиришда ташаббускорлик кўрсатаётган оилалар;

ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка, ҳомийликка олган, вояга етказиш, ўқитиш ва тарбиялашда ижобий натижага эришаётган, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига муносиб ҳисса қўшаётган, ижтимоий эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган, аҳолининг муаммоларини аниқлаш, ҳал этишга кўмаклашаётган, жамоатчилик томонидан ижобий тавсифланган оилалар;

ижоди (артист, меъмор, рассом, ҳайкалтарош, амалий безак устаси, дизайнер, шоир, ёзувчи, бастакор, санъатшунос ва ҳ.к.) билан халқ орасида танилган, ушбу соҳада миллий ва маданий қадриятларни тарғиб этиш орқали жамият ривожига ҳисса қўшаётган, ёшларга ижод соҳасида устозлик қилиб, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган оилалар;

оилавий кулолчилик, косибчилик, наққошлик, каштачилик, чеварчилик, заргарлик ва хунармандчиликнинг бошқа турлари билан шуғулланиб, унинг ривожига ҳисса қўшиб келаётган, шогирдлар тайёрлаган оилалар;

оилавий спорт билан шуғулланиб, республика ва халқаро даражадаги ютуқларга эришган, шогирдлар етиштирган, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган, хусусан, маҳаллада спортнинг ривожланиши ва оммавийлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, жамоатчилик томонидан ижобий тавсифланган оилалар;

оила қурганига 10 йилгача бўлган, қайнона, қайнота ва бошқа оила аъзолари билан аҳил ва ҳамжиҳатликда яшаб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ютуқларга эришаётган намунали ёш оилалар;

оилавий кадриятларни улуғлаган, ўзи ва фарзандлари Ватан ҳимояси, юрт тинчлигини сақлаш йўлида садоқат билан хизмат қилаётган, унинг тараққиётига ҳисса қўшаётган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқ-тартибот органларида фаолият юритаётган, жамоатчилик томонидан ижобий тавсифланган оилалар;

оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган, салмоқли даражада иш ўринлари яратган, “устоз-шогирд” анъанасини тарғиб қилган, инновацион лойиҳаларини жорий қилиб, хотин-қизларни ҳамда ногиронларни иш билан таъминлаган, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари маҳаллий, республика ва халқаро миқёсда эътироф этилган, аҳолини тадбиркорликка йўналтириш, миллий хунармандчилик турларини ёшларга ўргатиш, айниқса томорқадан даромад топиш йўллари кўрсатишда, ўзини ўзи банд қилишда ўрнатилган бўлаётган, жамоатчилик томонидан ижобий тавсифланган оилалар;

оила аъзолари ўз фаолияти давомида маҳаллалар ва оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, хотин-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга муносиб ҳисса қўшаётган, соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб этиб келаётган, халқимиз саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилаётган, янгича ёндошувлари билан жамоатчилик орасида муносиб эътироф этилган, ўз фаолиятида фаол ва фидойи бўлган, яшаб турган хонадони ва маҳалласида мевали ва манзарали дарахт ва гул етиштириб, кўчат тарқатиб, “Яшил макон” яратаётган, ҳудуд ободлигига юқори эътибор қаратган оилалар.

10. Комиссия ҳулосаси асосида **ҳар йили 5 майга қадар** Кўмита раисининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи чиқарилади.

3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби

11. Мамлакатимизда мўътабар аёл зотини улуғлаш ва эъзозлаш мақсадида кўкрак нишони, қоида тариқасида, оила бекаси бўлган аёл киши номига расмийлаштирилиб берилади.

12. Кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси мукофотланган оилаларга 15 май – Халқаро оилалар куни байрами арафасида Қўмита раиси (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали тарзда топширилади.

13. Кўкрак нишони билан тақдирлаш, истисно тариқасида, Қўмита раисининг буйруғига асосан алоҳида ҳолатларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

14. Кўкрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати Қўмитанинг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

15. Кўкрак нишони билан тақдирланган ибратли оилаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

16. Кўкрак нишони билан тақдирланган оилаларнинг ибратли фаолиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида кўкрак нишони билан тақдирланган оилалар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойларнинг кириш қисмига ушбу Низомга 5-иловада келтирилган шаклдаги “Ибратли оила” белгиси ўрнатилади.

17. Бир оила кўкрак нишони билан бир марта тақдирланади.

18. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

19. Қўмита ва комиссия аъзолари ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзод оилалар ҳужжатларининг холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**“Ибратли оила” кўкрак нишонига номзод оилаларни тақдирлаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Хотин-қизлар фаоллари, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари	1. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни шакллантиради. 2. Таклифларни фуқаролар йиғинлари кенгашлари қарорлари асосида туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимларига тақдим этади.	Ҳар йили 1 мартга қадар
2-босқич	Туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари, “Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни саралаш туман (шаҳар) комиссияси	Номзод оилаларни ҳар томонлама ўрганади ва йиғилиш қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларига тақдим этади.	Ҳар йили 15 мартга қадар
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, “Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни саралаш ҳудудий комиссияси	Номзод оилаларни кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқади, тегишли қарорлар қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар кўмитаси (Оила ва хотин-қизлар кўмитаси)га тақдим этади.	Ҳар йили 1 апрелга қадар
4-босқич	Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш комиссияси	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича номзод оилалар ҳақидаги ҳужжатларни кўриб чиқади ва якуний хулосани қабул қилади.	Ҳар йили 15 апрелга қадар

5-босқич	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси	Комиссиянинг хулосаси асосида Қўмита раисининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғини чиқаради.	Ҳар йили 5 майга қадар
6-босқич	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар)	Кўкрак нишони билан тантанали тарзда тақдирлайди.	Ҳар йили 15 май – Халқаро оилалар куни арафасида

**“Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни
саралаш туман (шаҳар) комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. *лавозимига кўра* – Туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи, *комиссия раиси*
2. *лавозимига кўра* – Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши депутати (*келишув асосида*)
3. *лавозимига кўра* – Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи
4. *лавозимига кўра* – Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
5. *лавозимига кўра* – Туман (шаҳар) маданият бўлими бошлиғи
6. *лавозимига кўра* – Савдо-саноат палатаси туман (шаҳар) бўлими раҳбари
7. *лавозимига кўра* – Республика Маънавият ва маърифат марказининг туман (шаҳар) бўлинмаси раҳбари
8. *лавозимига кўра* – Туман (шаҳар) касаба уюшмаси кенгаши раиси (*келишув асосида*)
9. *лавозимига кўра* – Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи
10. *лавозимига кўра* – ижодий ташкилотлар вакили (*келишув асосида*)
11. *лавозимига кўра* – нодавлат нотижорат ташкилотлари вакили (*келишув асосида*)
12. *лавозимига кўра* – “Оқила аёллар” ҳаракати етакчиси (*келишув асосида*)
13. *лавозимига кўра* – Туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимининг оила ва хотин-қизлар масалалари билан ишлаш бўйича мутахассиси, *ишчи гуруҳ масъул котиби*

“Ибратли оила” кўкрак нишони
тўғрисидаги низомга
3-илова

**“Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни
саралаш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар
ва Тошкент шаҳар комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. *лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари, *комиссия раиси*
2. *лавозимига кўра* – Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгаши депутати (*келишув асосида*)
3. *лавозимига кўра* – Худудий мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи
4. *лавозимига кўра* – Худудий соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
5. *лавозимига кўра* – Худудий маданият бошқармаси бошлиғи
6. *лавозимига кўра* – Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармаси раҳбари
7. *лавозимига кўра* – Республика Маънавият ва маърифат марказининг худудий бўлими раҳбари
8. *лавозимига кўра* – Худудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси
9. *лавозимига кўра* – Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг худудий бошқармаси бошлиғи
10. *лавозимига кўра* – ижодий ташкилотлар вакили (*келишув асосида*)
11. *лавозимига кўра* – нодавлат нотижорат ташкилотлари вакили (*келишув асосида*)
12. *лавозимига кўра* – “Оқила аёллар” ҳаракати етакчиси (*келишув асосида*)
13. *лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари мутахассиси, *комиссия масъул котиби*

“Ибратли оила” кўкрак нишони
тўғрисидаги низомга
4-илова

“Ибратли оила” кўкрак нишонига
номзод оилаларни баҳолаш мезонлари
СХЕМАСИ

Т/р	Кўрсаткичлар	Балл тизими
I. Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар		
1.1	Хонадоннинг обод ва саришталиги, хонадон, унинг ёрдамчи хўжалик биноларининг шаҳарсозлик, ёнғин хавфсизлиги ва санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари асосида қурилгани, хонадонда қулай ва замонавий яшаш шароити (умумий хона, ошхона, катталар ва болалар учун қулай ва ихчам хона кабилар) яратилгани, томорқа маданиятининг мавжудлиги	1 баллдан 5 баллгача
1.2	Оила аъзоларининг таълим-тарбиявий салоҳияти, илмли, зиёли эканлиги, илмий даражага ва касбий кўникмаларга эгалиги, рисола, китоб, қўлланма ва асарлар яратган ҳамда илм-фан, таълим, адабиёт, маданият ривожига ҳисса қўшиб келаётгани	1 баллдан 5 баллгача
1.3	Оиланинг фаровонлик даражаси, оила аъзоларининг бандлиги, давлат ёки хусусий секторда ишлаши, бошқа ижтимоий-иқтисодий тармоқларда фаолият юритаётгани	1 баллдан 5 баллгача
1.4	Оиланинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий жараёнлар, расмий ва жамоатчилик тадбирларида иштирок этиши	1 баллдан 5 баллгача
1.5	Оилада соғлом турмуш тарзи яхши йўлга қўйилгани, оила аъзоларининг спорт билан мунтазам шуғулланиши, зарур шароит ва жиҳозлар билан таъминлангани	1 баллдан 5 баллгача
1.6	Оиланинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлиги, амалга ошираётган саховат ва ҳомийлик ишлари (камида базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдорида), хусусан, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани, аҳолининг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишга кўмаклашаётгани, шунингдек, олис ҳудудларда янги иш ўринларини яратаётгани (камида 5 та)	1 баллдан 5 баллгача
1.7	Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама ривожлантиришга, жумладан, китоб ўқишга, ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга ўргатгани, шунингдек, ёшларга ижод соҳасида устозлик қилиб, адабиёт, маданият ва санъатга доир истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшгани	1 баллдан 5 баллгача
1.8	Оилавий жамоа сифатида турли соҳаларда ўтказилган танловларда ғолибликни қўлга киритгани, фарзандлари нуфузли кўрик-танловлар, мусобақалар, фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришаётгани	1 баллдан 5 баллгача

II. Маънавий-ахлоқий кўрсаткичлар		
2.1	Оила аъзолари адолат, ҳақгўйлик, ўзгаларга ҳурмат, самимийлик, мулойимлик, саховатпешалик, маънавий етуклик, сабр-тоқат, камтарлик каби инсоний фазилатларга эга экани	1 баллдан 5 баллгача
2.2	Оиланинг маҳалла ва жамиятда тутган ўрни, қариндошлари ва кўшнилари билан муносабати, ички тартиб-қоидалар ва қонунларга ҳурмати, ҳуқуқий онги ва маданияти, билимдонлиги, китобхонлик даражаси	1 баллдан 5 баллгача
2.3.	Оилада жинойтчиликнинг йўқлиги, нотинч, ноқобил оила сифатида олдин рўйхатга олинмагани, оила аъзоларининг бирортаси пробация ва профилактик ҳисобда турмаслиги, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмагани, гиёҳвандлик, ичкиликка ружу қўймагани ва оилавий ажралиш ҳолатлари қайд этилмагани	1 баллдан 5 баллгача
2.4	Анъанавий оилавий қадриятлар (анъаналар, урф-одатлар ва бошқа моддий ва маънавий қадриятлар)га ҳурмати ва садоқати, оила аъзоларининг миллийликни асраш ҳамда юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилаётгани	1 баллдан 5 баллгача
2.5	Кам таъминланган, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш, ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиш, васийлик қилиш, етим болаларни асраб олгани, уларни вояга етказиш, ўқитиш ва тарбиялашда ижобий натижага эришаётгани ва улар учун тўлақонли ҳаёт тарзини ташкил этгани	1 баллдан 5 баллгача
2.6	Маҳаллада ёшларнинг маънавий-ахлоқий камол топишида, уларнинг Ватанга садоқат, азалий анъаналарга ҳамда оилавий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишида ўзининг бой ҳаётий тажрибаси билан ўрнак бўлаётгани ва фаол қатнашаётгани	1 баллдан 5 баллгача

Изоҳ. Номзодларнинг эришган натижалари бўйича қўйилган баллари жамланиб, энг юқори кўрсаткични қайд этганлар кўкрак нишонига номзод сифатида тавсия этилади.

Мазкур баҳолаш мезонларининг кўрсаткичлари давр талабидан келиб чиққан ҳолда доимий комиссиянинг тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикаси Камбагалликни қисқартириши ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг буйруғи билан ўзгартирилиши мумкин.

“Ибратли оила” кўкрак нишони
тўғрисидаги низомга
5-илова

**“Ибратли оила” кўкрак нишони билан тақдирланган оилалар яшайдиган
хонадонлар ва уй-жойларнинг кириш қисмига ўрнатиладиган белги
ТАВСИФИ**

“Ибратли оила” кўкрак нишони билан тақдирланган оилалар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойларнинг кириш қисмига ўрнатиладиган белги 210x90 миллиметр ўлчамли тўртбурчак шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Белгининг чап томонида “Ибратли оила” кўкрак нишони тасвири акс этган. Ушбу тасвирнинг эни 55 миллиметрни ташкил этади.

Белгининг ўнг томонида ҳарфларнинг баландлиги 5,6 миллиметр бўлган беш сатрли матн жойлашган.

Биринчи сатрда “Bu xonadonda” сўзи, иккинчи сатрда “IBRATLI OILA” учинчи сатрда “ko‘krak nishoni”, тўртинчи сатрда “bilan taqdirlangan oila” ва бешинчи сатрда “istiqomat qiladi” сўзлари ёзилади.

Белгининг қалинлиги 1,5 миллиметр.

Тасвирлар ва ёзувлар ботиқ шаклда бўлиб, белгининг четлари тўғри чизиқлар билан ўралган.

“Ибратли оила” кўкрак нишони билан тақдирланган оилалар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойларнинг кириш қисмига ўрнатиладиган белги



*Bu xonadonda
“IBRATLI OILA”
ko‘krak nishoni
bilan taqdirlangan oila
istiqomat qiladi*

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 2 ” сентябрдаги 437-сон қарорига
2-илова

“Ибратли оила” кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

“Ибратли оила” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томони марказий қисмида диаметри 24 миллиметр бўлган кумуш рангдаги доира ичида қуёш нурлари фониди ота ва она икки нафар фарзандини қўлларидан тутган ҳолда ибратли оила тимсоли сифатида зарҳал рангда акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг айланаси бўйлаб зарҳал ҳошия билан ўралган доиранинг юқори қисмида баландлиги 2,4 миллиметр бўлган “IBRATLI OILA” сўзлари ҳамда ўртада ажратиб турувчи иккита саккиз қиррали юлдузнинг қуйи қисмида фахр-ифтихор ва шараф маъноларини ифода этувчи иккита дафна япроғи ва унинг ўртасида мустаҳкам оила рамзи бўлган никоҳ узуклари тасвирланган.

Кўкрак нишонининг орқа томонида, айлана марказида, тўрт қаторда ҳарфларнинг баландлиги 1,8 миллиметр бўлган “Oilalarni mustahkamlashga qo‘shgan munosib hissasi uchun” сўзлари ёзилган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги – 3,5 миллиметр. Тасвирлар ва ёзувлар қавариқдир.

Кўкрак нишони олд ва орқа томонларининг четлари қавариқ доира билан ўралган.

Кўкрак нишон ҳалқа ва илмоқчалар ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни – 26 миллиметр, бўйи – 17 миллиметрдан иборат. Қадағич эни 22 миллиметрли шойи лента билан қопланган бўлиб, лентанинг марказидан эни 12 миллиметрли яшил йўл ўтган. Унинг ҳар икки тарафидан эни 1 миллиметрли қизил, 2 миллиметрли оқ ва 2 миллиметрли кўк рангдаги йўллар туширилган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

“Ибратли оила” кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони



“Ибратли оила” кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ

“Ибратли оила” кўкрак нишони гувоҳномаси (кейинги ўринларда – гувоҳнома) 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) оч яшил рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган тўқ яшил рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3,5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “IBRATLI OILA” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль), иккинчи сатрда “ko‘krak nishoni” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 17 кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда “GUVOHNOMASI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 17 кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар зарҳал рангида акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) “Тангир” тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда, кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда, “GUVOHNOMA” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун “№” белгиси ва 15 миллиметрли чизик жойлашган.

“GUVOHNOMA” сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган оила бошлиғи (вакили)нинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.

Пастки чизикдан 6 миллиметр қуйида, марказда, оралиғи 2 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi”, иккинчи сатрда “Oila va хотин-қизлар”, учинчи сатрда “qo‘mitasi raisining” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “20__ у. “__” _____dagi”, иккинчи сатрда “__-sonli buyrug‘iga asosan” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “Ibratli oila” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль), иккинчи сатрда “ko‘krak nishoni bilan mukofotlandi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнги сўзлардан 10 миллиметр пастда, чап томонда, “Qo‘mita raisi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.



“Ибратли оила” кўкрак нишонининг ГУВОҲНОМАСИ



	ГУВОҲНОМА № _____

	O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi Oila va xotin-qizlar qo'mitasi raisining 20__ yil "___" _____dagi _____-sonli buyrug'iga asosan
	“Ibratli oila” ko'krak nishoni bilan mukofotlandi
	Qo'mita raisi
	M.O' _____